



Ҳар бир мусулмон ҳар етти кунда бир марта, бошини ва танасини ювиб ғусл қилмоғи лозимдир

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: «Ҳар бир мусулмон ҳар етти кунда бир марта, бошини ва танасини ювиб ғусл қилмоғи лозимдир».

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда ҳар бир балоғатга етган ақлли мусулмон киши етти кунда бир марта ғусл қилиши лозим эканини хабар бердилар. Пок ва тозаликни талаб қилган ҳолда боши ва жасадини ювади. Бу кунларнинг энг авлоси баъзи ривоятларда келгани каби жума кунидир. Пайшанба куни ювинган бўлса ҳам жума куни намоздан олдин ювиниш муаққад мустаҳаб амалдир. Вожиб эмаслигига далил Оиша разияллоҳу анҳонинг қуйидаги сўзи: «Одамлар ўзларнинг хизматкори эдилар, агар жумага борсалар меҳнат кийимларида борар эдилар. Шунда уларга: «Қани эди ғусл олганларингда», – дейилди» (Бухорий ривояти). Унинг бошқа бир ривоятида: «ҳидланган ҳолларида», яъни, тер ва шунга ўхшаш нарсалар ҳиди билан борар эдилар. Шуларга «Қани эди ғусл олганингда», – дейилди шундай экан бошқалар бу нарсага авлороқдир.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/65084>

